Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

ÖZBEKISTON OVOZI

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1995 йил 15 август, сешанба. №98 (21.861.) Сотувда эркин нархда.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАР ВАЗИРЛИГИНИНГ ХЎЖАЛИК ҲИСОБИДАГИ БЎЛИНМАЛАРИНИ ДАВЛАТ ҲИССАДОРЛИК КОМПАНИЯЛАРИГА АЙЛАНТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Бозор механизмларини ташқи иқтисодий алоқалар тизимига жорий этишни жадаллаштириш ва ташқи савдони эркинлаштириш жараёнини янада ривожлантириш мақсадида:

1. «Ўзмарказимпекс», «Ўзсаноатмашимпекс», «Инновация», «Ўзташқитранс» хўжалик ҳисобидаги давлат ташқи савдо бирлашмалари, «Марказсаноатэкспорт» хўжалик ҳисобидаги республика ташқи савдо фирмаси ва Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигига қарашли «Ўрта Осиё Транс» хўжалик ҳисобидаги республика ташқи иқтисодий транспорт-экспедиторлик компанияси айни ўша номлар билан очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятлари шаклидаги давлат ҳиссадорлик компанияларига айлантирилсин.

Янги ташкил этилаётган ҳиссадорлик компанияларининг акциялари қуйидаги тартибда тақсимланиши кўзда тутилсин:

ўз қиймати бўйича акцияларнинг 51 фоизи— уларни давлат номидан бошқариш ҳуқуқи билан Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигига;

ўз қиймати бўйича акцияларнинг 25 фоизи — ташқи савдо компанияларининг жамоаларига;

бозор қиймати бўйича акцияларнинг 24 фоизи — фонд бозорида очиқ сотилиши лозим.

2. Белгилаб қўйилсинки, «Ўзмарказимпекс», «Ўзсаноатмашимпекс», «Инновация», «Марказсаноатэкспорт» давлат ҳиссадорлик ташқи савдо компаниялари, «Ўрта Осиё Транс» халқаро автотранспорт юк ташиш давлат ҳиссадорлик компанияси, «Ўзташқитранс» давлат ҳиссадорлик транспорт-экспедиторлик компанияси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигига қарашли айни шу ном билан аталувчи хўжалик ҳисобидаги бўлинмаларининг барча мулкий ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий ворислари ҳисобланади ва белгиланган тартибда қуйидагиларни амалга оширади:

Ўзбекистон Республикасида экспорт маҳсулотини ишлаб чиқарувчилар билан тузиладиган шартномалар асосида экспорт, шу жумладан, марказлаштирилган тарзда экспорт қилиш;

Ўзбекистон Республикасидаги буюртмачиларнинг топшириқлари бўйича давлат эҳтиёжлари учун товарлар харид қилиш;

ташқи савдо операцияларини бажаришга оид хизматларни кўрсатиш, экспорт-импорт юкларини жўнатиш ва транспорт хизмати кўрсатиш.

3. Шу нарса белгилаб қўйилсинки, юқорида кўрсатиб ўтилган давлат ҳиссадорлик компаниялари уставларига мувофиқ ўзини ўзи пул билан тўла таъминлаш ва ўзини ўзи бошқариш принциплари асосида иш юритадилар.

4. Ўзбекистон Республикасининг Адлия вазирлиги «Ўзмарказимпекс», «Ўзсаноатмашимпекс», «Инновация», «Марказсаноатэкспорт» давлат ҳиссадорлик ташқи савдо компанияларининг, «Ўрта Осиё Транс» халқаро автотранспорт юк ташиш давлат ҳиссадорлик компанияси ҳамда «Ўзташқитранс» давлат ҳиссадорлик транспорт-экспедиторлик компаниясининг уставларини белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказсин.

5. Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси икки ҳафта муддат ичида мазкур фармонни бажариш юзасидан тегишли қарор қабул қилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1995 йил 14 август.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Марказий Осиёнинг уч давлатига ташрифимни гўзал Ўзбекистоннинг мусаффо осмонидан Қозоғистон пойтахтига учиб боришдан бошламоқдаман. Шу муносабат билан Ўзбекистон Президенти ва халқига самимий салом ва энг яхши истакларимни йўллайман.

Сизнинг мамлакатингизга яқинда қилган ташрифим яхши эсимда. Шу боис жаноб Президент, Сизга мустаҳкам сиҳатсаломатлик, бахт-саодат ва узоқ умр, дўст Ўзбекистоннинг ажойиб халқига эса равнақ ва фаровонлик тилайман.

Тансу ЧИЛЛЕР,
Туркия Бош вазири.
1995 йил 14 август.

ПОКИСТОН ХАЛҚИГА ЁРДАМ

12 август куни 21 тонна инсонпарварлик юклари ортилган «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясининг ИЛ-76 юк самолёти Тошкент аэропортидан Покистоннинг Лоҳур шаҳри сари йўл олди.

Маълумки, яқинда ёғиб ўтган кучли ёмғир оқибатида Покистоннинг талай вилоятларида юз берган сув тошқини жиддий талофатлар келтирди. Бунинг натижасида кўплаб кишилар жабр кўрдилар, бошпанасиз қолдилар...

Ана шундай бир пайтда Ўзбекистон Республикаси ҳукумати табиий офатдан жабр кўрган дўст Покистон халқига инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш хусусида фармойиш эълон қилди. Ўзбекистон фармацевтика саноати концерни, Ўзбекистон енгил саноат давлат уюшмаси ҳамда «Ўзбексавдо» ассоциацияси шу фармойишга асосан қарийб 4 миллион сўмлик дори-дармон, пойафзал, болалар кийимлари ва ёпинчиқларидан иборат юкларни ҳозирладилар.

— Халқимизда дўст бошга кулфат тушганда билинади, деган ҳикмат бор, — дейди «Ўзбекистон фармацевтика саноати» концерни ташқи иқтисодий алоқалар бирлашмаси раҳбари, инсонпарварлик юкларини покистонликларга топширишга вакил қилинган Шукрулло Каримов биз билан суҳбатда. — Шу боис ҳукуматимиз сув тошқини натижасида жабр кўрган Покистон халқига ёрдам кўрсатишга қарор қилди.

— Бу дўст Ўзбекистон халқининг бизга дастлабки ёрдами эмас, — дейди Покистон Ислом Республикасининг мамлакатимиздаги фавқулодда ва мухтор элчиси Шафқат Али Шайх. — Табиий офат юз берган 1992 йилда ҳам муҳтарам Президент Ислом Каримов фармойишига кўра, Покистонга ёрдам комиссияси тузилган, вертолётлар воситасида жабрдийдаларга кўмак берилган эди. Биз бу ёрдамларни юксак қадрлаймиз. Бу халқларимиз азалий дўстлиги ва қардошлигининг ёрқин кўринишидир.

Амиркул КАРИМ.
(ЎзА).

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори

РЕСПУБЛИКА БОҒДОРЧИЛИГИ ВА УЗУМЧИЛИГИДА ИЛМ-ФАННИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИЛАН ИНТЕГРАЦИЯЛАШНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Илмий бўлинмаларнинг тадқиқотларни ташкил этишдаги ва уларнинг натижаларини ишлаб чиқаришга жорий қилишдаги мустақилликларини ошириш, юқори пировард натижаларга эришиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Р. Шредер номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси корхоналари ва муассасалари жамоаларининг, Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги Фанлари академиясининг Р. Шредер номидаги илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасини Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги Фанлари академияси ҳузуридаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-ишлаб чиқариш корпорациясига айлантириш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

Ер фонди ҳудудининг яхлитлиги ва шаклланган ишлаб чиқариш ихтиёсослашуви корпорация учун сақлаб қолинсин.

2. Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги Фанлари академияси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари бир ой муддатда боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-ишлаб чиқариш корпорацияси бўлинмаларини жамоа хўжаликларига ҳамда хўжаликларнинг бошқа нодавлат шаклларига айлантиришга доир ташкилий-иқтисодий чора-тадбирларни амалга оширсинлар.

Корпорацияга Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 1993 йил 7 январдаги қарори 1-бандининг хўжаликларнинг асосий воситалари ва бошқа мол-мулкини меҳнат жамоаларининг мулки қилиб текин бериш ҳақидаги қисмининг амал қилиши жорий этилсин.

3. Боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-ишлаб чиқариш корпорациясининг таркибига ва унинг ижроия аппарати тузилмасига розилик берилсин.

Белгилаб қўйилсинки, илмий-ишлаб чиқариш корпорацияси:

Илмий муассасалар ва эксперименталь хўжаликларнинг ихтиёрий бирлашмаси ҳисобланади. Корпорация таркибига кирувчи муассасалар ва хўжаликлар хўжалик мустақилликларини ва юридик шахс ҳуқуқларини сақлаб қоладилар. Корпорация таркибига ўзларининг илмий ва иқтисодий манфаатларининг умумийлиги асосида идоравий бўйсуниши ва мулкчилик шаклларидан қатъий назар бошқа ташкилотлар ва муассасалар ҳам ихтиёрий равишда кириши мумкин;

Корпорация аъзолари билан келишган ҳолда илм-фан ва эришилган ютуқларни ишлаб чиқаришга жорий қилишнинг марказлаштирилган фондларини, шунингдек, суғурта, захира ва бошқа фондларни ташкил қилади.

4. Қуйидагилар илмий-ишлаб чиқариш корпорациясининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

илмий тадқиқотларнинг даражасини ошириш, мевали ўсимликлар ва узумларнинг юқори маҳсулли янги навларини яратиш, боғдорчиликда, узумчилик ва виночиликда самарали технологияларни ишлаб чиқиш ҳамда жорий қилиш;

илмий ходимлар, мутахассислар ва ходимларнинг меҳнатини уларнинг илм-фанга ва амалиётга қўшаётган аниқ ҳиссаларига боғлиқ равишда рағбатлантириш;

илмий тадқиқотлар соҳасида хорижий мамлакатлар билан кооперацияга киришиш ва илмий тадқиқотлар ишланмаларини жорий этиш.

5. Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги Фанлари академияси давлат дастури бўйича бажариладиган илмий тадқиқотларни, капитал қурилишни ва илмий муассасалардаги болалар боғчаларини бюджетдан маблағ билан таъминлашни илмий-ишлаб чиқариш корпорациясида сақлаб қолсин.

6. Боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-ишлаб чиқариш корпорацияси Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги Фанлари академияси, Адлия вазирлиги, Фан ва техника давлат қўмитаси билан келишган ҳолда бир ой муддатда корпорация уставини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

7. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг 1977 йил 28 сентябрдаги 620-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисобласин.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг деҳқончилик саноати мажмуи бўлимига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1995 йил 14 август.

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

ҚЎШИНЛАР ОЛИБ ЧИҚИЛАДИ

ОТТАВА. Канада Хорватиядан ўз қўшинларини олиб чиқиб кетиш ниятида. Мамлакат миллий мудофаа вазири Дэвид Коллеттт журналистларга шуни маълум қилди. Вазирлик вакили капитан Крис Лихи Хорватия ҳарбийларининг канадаликлар хизмат қилаётган кузатув постларини олиб ташлаши уларнинг бундан буён бу ерда қолишини маънисиз қилиб қўйганини айтди. Канада миллий мудофаа вазири БМТ кучлари таркибида ҳаракат қилаётган 1200 ҳарбий хизматчининг Хорватиядан олиб чиқиб кетилиши Канаданинг Боснияда тинчликни таъминлаш борасидаги мавқеига монеълик қилмаслигини таъкидлади.

ВАЗИР АЙБИГА ИҚРОР БЎЛДИ

ПЕКИН. Хитой Японияннинг янги маориф вазири Иосинобу Симамурининг иккинчи жаҳон уруши даврида Японияннинг Осиё мамлакатларига қарши ҳаракатлари тажовузкорона бўлганини тан олишни рад этиб берган баёнотидан дарғазаблик ва таассуф билдирди. Япония ҳукумати бош котиби Кокен Носака айбдор вазир «ўз сўзларини қайтиб олганини» ва «бу сўзларнинг асл маъносини англаб етмаганига» иқрор бўлганини айтди. Бош вазир Томиити Мураяма эса маҳкаманинг барча аъзоларидан Токионинг Осиёдаги тажовузкорлиги ва колонизаторлик фаолиятига масъулликни тан олиш борасида ҳукумат қабул қилган йўналишдан оғишмасликни талаб қилди.

УЧУВЧИЛАР ТАҚДИРИ КЕНГАШДА ҲАЛ ЭТИЛАДИ

ДЕҲЛИ. Афғонистонда «Толибон» Ислом қуролли ҳаракати тарафдорлари томонидан эгаллаб олинган ИЛ-76 Россия юк самолёти учувчилари тақдири ушбу ташкилотнинг кенгашида ҳал этилади. Кандаҳор шаҳридан маълум қилинишича, толибларнинг раҳбар органи раиси ўринбосари Муҳаммад Раббоний шу ҳақда маълум қилган. М. Раббонийнинг сузларига қараганда, Кенгаш мажлиси бир неча кундан сунг яъни, унинг барча аъзолари Кандаҳорга етиб келганидан кейин ўтказилади.

МУАММОЛАР МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

ВИЛЬНЮС. Литва Энергетика вазирлигида Игналин атом электростанцияси хавфсизлиги билан боғлиқ муаммолар муҳокама қилинди. АҚШ Энергетика вазирлигининг йиллик ҳисоботида ушбу АЭСнинг собиқ социалистик давлатлардаги хавфсизлиги кафолатланмаган 5 та атом электр станциясидан бири деб қайд этилгани ушбу масаланинг муҳокама этилишига сабаб бўлди.

15 ТРИЛЛИОНЛИК ҚАРЗ

МОСКВА. РАТА-ТАСС ахборот маҳкамаси мухбирининг хабар беришича, МДҲ ва Болтиқбўйи давлатлари ўтган ярим йил ичида Россиядан етказиб берилган ёқилғи-энергетика ресурслари учун қарийб 15 триллион рубль қарздор бўлдилар. Маълум бўлишича, қарздорлар рўйхати бошида Украина қайд этилган. У Россияга 9,6 триллион рубль тўлаши керак. Шунингдек, Белорусь Россияга 2,2 триллион рубль, Қозоғистон 1,4 триллион, Молдова эса 1,2 триллион рубль тўлаши лозим.

(Жаҳон ахборот агентликлари ва газеталаридан олинди).

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 4 йиллигига

Буюк Турон

ШАҲАР-ҚИШЛОҚЛАР ОРАЛАБ

• ҚАШҚАДАРЁ (мухбиримиздан). Манаснинг минг йиллиги муносабати билан бошланган бир ойлик от пойгаси Туронзамин халқларида катта қизиқиш уйғотмоқда.

Учқур арғумоқларга минган суворийлар Ашхобод шаҳрида отларга қамчи босишган эди. Куп ўтмай отларнинг дупури Бухоро ва Қашқа воҳаси шаҳар-қишлоқларига ҳам етиб келди. Истиқлолимизнинг тўрт йиллигини байрам қилишга ҳозирлик кўраётган Муборак, Косон ва Қарши туманларида Туркистон халқларининг маданий мероси — Манаснинг номи ҳурмат билан тилга олинди. Қарши тумани Шредер номли жамоа хўжалигида пойгачиларни кутиб олиш қозоқ, қирғиз ва туркман вакилларида катта тассурот қолдирди. Меҳмонларни вилоят ҳокимининг ўринбосари Қ. Туйчиев, Қарши шаҳар ҳокими М. Маҳмудов, Қарши тумани ҳокими Р. Жалиловлар кутиб олдилар ва унутилмас воқеага ўз муносабатларини билдирдилар. Пойгачилар 18 нафар отлиқдан иборат бўлиб, йўл-йўлакай чавандозларни алмаштириб манзил сари одимлашмоқда. Пойгачилар Кўкдала орқали Самарқанд вилояти ҳудудига ўтадилар.

Илҳом КАРОМОВ.

Кичик корхона

ҚЎЛБОЛА ТЕГИРМОН

• ФАРҒОНА (мухбиримиздан). Бешариқ туманидаги Кулол қишлоғига кираверишда қўлбола тегирмон фойдаланишга топширилди.

Шу атрофда турадиган одамлар ўз буғдойларини тегирмонда оқлаб, байрам қулчасини ёпишга ошиқмоқдалар.

Қишлар оддий тегирмонда тортилган ўннинг дағал чиқишини яхши биладилар. А. Пулатов эса маҳаллий буғдойдан юқори нав ун тайёрлашни орзу қилиб юрарди. У дон маҳсулотлари комбинатлари учун яроқсиз ҳисобланган тошларни таъмирлади ва махсус мослама ёрдамида электр қуввати билан ишлайдиган қилди. Бундай қўлбола тегирмон бир кеча-кундузда 1,5-2 тонна унни майин ва сифатли қилиб чиқармоқда.

Алишер ИБОДИНОВ.

Ҳаваскорлик

САҲНАДА — «УЙЧИ ТОНГИ»

• НАМАНГАН (мухбиримиздан). Уйчи туманида янги фольклор дастаси иш бошлади.

«Уйчи тонги» номи берилган халқ оғзаки ижодиёти дастаси асосан ҳаваскорлардан ташкил топган. Улар орасида ўқитувчи, шифокорлардан тортиб ишчи, деҳқон, талабаларгача бор. Ҳаваскорлар халқ қўшиқ ва рақсларидан тузилган дастлабки дастурларнинг ранг-баранг бўлишига ва уни ишлаб чиқиш ва ишлаб чиқаришда ижобий силжишлар кўзга ташлана бошлади.

Корхона тумандаги барча техникаларни таъмирлаш, шунингдек электр моторлари ва сут соғиш агрегатларини капитал таъмирдан чиқариш каби ишларини амалга оширмоқда. Шунингдек, бу ерда тракторларнинг кўплаб эҳтиёт қисмлари жумладан, тирсакли вал, тишли шестерня каби 350 турдаги катта-кичик эҳтиёт қисмлар қайта тикланяпти, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш цехида 20 хил маҳсулот тайёрланяпти.

Шу йилнинг олти ойи мобайнида корхонада 5 миллионлик таъмирлаш ишлари бажарилди. Бу эса корхона фаолиятининг кенгаётганини, бажарилаётган иш ҳажмининг ортаётганлигини, шу билан бирга унинг иқтисодий қуввати кундан-кунга ўсиб бораётганлигини кўрсатиб турибди. Албатта, бу ерда ишчи-хизматчилар манфаатлари ҳам унутилаётгани йўқ. Қисқа вақт ичида 104 кишига дала ҳовли учун ер участкаси, 116 кишига уй берилди. Ёшлар учун бунёд этилган «Ёшлик» шаҳарчасига ичимлик суви ва табиий газ келтирилди.

СУРАТДА: корхона таъмирлаш цехида.
Т. НОРҚУЛОВ (ЎзА) олган сурат.

Ҳамкорлик

ИПАК ЙЎЛИДАГИ БОЗОР

АНДИЖОН. Қўрғонтепа туманидаги Қорасув шаҳрида бутунлай янгидан қурилган бозор пайдо бўлди.

Қадимги замонларда Буюк ипак йули Қорасув орқали ўтган. Ҳозирги кунда ҳам шаҳар фақат Ўзбекистон эмас, шу билан бирга Марказий Осиёдаги бошқа республикалар аҳолиси ва тадбиркорларига тез ривожланаётган савдо маркази сифатида таниқлидир.

Ўзбекистоннинг минтақалари ва қўшни давлатлар ўртасидаги алоқалар кенгайиши билан янги бозорни қуриш зарурати пайдо бўлди. Шаҳар ҳокимлиги бу ишга хусусий тадбиркорларни жалб этди. Шаҳар, вилоят ва ҳатто қўшни республикалар ишбилармонлари бозор қурилишида фаол қатнашдилар. Шу тариқа қурилишни маблағ билан таъминлашда муаммо бўлмади.

Бозор қурилишига Қирғизистон билан чегарадош жойдан ун гектар ер ажратилган эди. Йил бошидан буён қурувчилар шу майдоннинг ярмида юзга яқин магазин, автомобилларнинг тўхташ жойи, омборлар, маиший хизмат ва умумий овқатланиш корхоналари, тиббиёт пункти, маҳсулот сифатини текширадиган лаборатория, милиция таянч пункти, солиқ инспекцияси биноларини қуришди.

Республика мустақиллигининг тўрт йиллиги байрами арафасида бозорнинг биринчи навбати тантанали вазиятда очилади. Аммо ҳозирнинг ўзидаёқ бу ерда кўп магазинлар, маиший хизмат корхоналари ишлаб турибди. Олдинги даврлардагидек, Ўзбекистоннинг турли вилоятларидан, Қирғизистон ва Тожикистондан бу ерга сотувчилар келишмоқда.

Қулайлик

ИШ ЎРИНЛАРИ КЎПАЙМОҚДА

Хўжайли туманида ишсизликнинг олдини олиш, айниқса, ёшларни иш билан таъминлашга алоҳида эътибор берилмоқда. Кейинги икки йил мобайнида бу ерда 126 та хусусий корхона очилиб, юзлаб янги иш ўринлари ташкил этилди. Йил охирига қадар яна 56 кичик корхона маҳсулот чиқара бошлайди.



Самарқанд туманидаги қишлоқ хўжалик техникаларини таъмирлаш корхонаси бундан бир неча ой муқаддам очиқ турдаги «Оҳангар» ҳиссадорлик жамиятига айлантирилди. Ҳар бирининг қиймати 400 сўм бўлган 1543 дона акциянинг 60 фоизи корхонанинг ишчи-хизматчиларига сотилди. Бу эса ўзларини корхонанинг ҳақиқий эгалари сифатида ҳис қила бошлаган ишчи-хизматчиларни янада шижоат билан меҳнат қилишга руҳлантирмоқда. Натижада ўтган қисқа вақт давомида ишлаб чиқаришда ижобий силжишлар кўзга ташлана бошлади.

Корхона тумандаги барча техникаларни таъмирлаш, шунингдек электр моторлари ва сут соғиш агрегатларини капитал таъмирдан чиқариш каби ишларини амалга оширмоқда. Шунингдек, бу ерда тракторларнинг кўплаб эҳтиёт қисмлари жумладан, тирсакли вал, тишли шестерня каби 350 турдаги катта-кичик эҳтиёт қисмлар қайта тикланяпти, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш цехида 20 хил маҳсулот тайёрланяпти.

Шу йилнинг олти ойи мобайнида корхонада 5 миллионлик таъмирлаш ишлари бажарилди. Бу эса корхона фаолиятининг кенгаётганини, бажарилаётган иш ҳажмининг ортаётганлигини, шу билан бирга унинг иқтисодий қуввати кундан-кунга ўсиб бораётганлигини кўрсатиб турибди. Албатта, бу ерда ишчи-хизматчилар манфаатлари ҳам унутилаётгани йўқ. Қисқа вақт ичида 104 кишига дала ҳовли учун ер участкаси, 116 кишига уй берилди. Ёшлар учун бунёд этилган «Ёшлик» шаҳарчасига ичимлик суви ва табиий газ келтирилди.

СУРАТДА: корхона таъмирлаш цехида.
Т. НОРҚУЛОВ (ЎзА) олган сурат.

Ўзбек феъли

ҚИЁМАТ ҚАРЗ

Шакар бобо кейинги пайтларда тез-тез безовта бўладиган бўлиб қолди. Бунга оғайниларидан бири айтган янгилик сабаб бўлди. Гап шундаки, бундан 60 йиллар муқаддам Гарашалик Утамурод деган киши ҳали галла ҳосили пишмасдан икки пуд буғдойга пул бериб қўйганди. У ўрим даврида Утамуроднинг омонатини қоплаб қўйганди, эгаси ҳалеганда келавермади. Бир куни сўраб келган экан, лекин уй соҳибини топмай қайтиб кетибди. У-бўлди, бу-бўлди, олаговур замон бошланиб кетди. Шундан буён неча буғдой пишиги ўтди. Шакар бобо ҳаёт тақозоси билан Оқдарёда яшади, замона зайли билан яна қишлоғига қайтиб келди. Бу йиллар икки пуд буғдойнинг эгаси деярли унут бўлиб, ўртадаги алоқа узилди. Тунов куни қариндошлардан бири гап орасида Утамуроднинг ўзи анча йил олдин оламдан ўтиб кетганлигини, ўғли Ширинбой Гарашанинг Ингичкасойида яшаётганлигини дараклаб қолди.

Хайрият, ахир фарзанди бўлса ҳам топилдику! Бўйнида қарз билан кетмайдиган бўлди. Шундай хаёл билан пойтахтдан келган ўғлига сўз қотди:

— Болам, машинанг билан Гарашага олиб бориб келгин.

— Тинчликми, ота, бирор қариндошларда маъракa бормикан?

— Йўқ, бир одамда қарзим бор, қиёмат қарз, шуни узишим керак.

— Қанча қарзсиз, мен ташлаб ўтарман.

— Йўқ, бу ишни ўзим қилишим керак.

— Кейинги галда борсак-чи?

— Ахир мени боғлаб бермаган-ку...

Хуллас, ота-бола йўлга тушадиган бўлишди. Шакар бобо тарозида икки пуд буғдойни ўлчади-да, машина юкконасига ортди.

Қидирилаётган хонадон Ингичкасойнинг энг тепасида, тоғ йули охирида экан.

...Утамуроднинг ўғли Ширинбой кутилмаган меҳмонларни аллақандай ҳайрат билан қарши олди. Чунки улар ҳаётда ҳеч қачон кўришмаган эди-да. Ҳаял ўтмай ўртадаги ноқулайликни Шакар бобонинг ўзи қувди: таниф сабабини гапириб берди.

— Ҳудди отам тирилиб келгандай бўлди,— деди Ширинбой. — Ахир сиз отамиз билан кўришган экансиз, бу хонадон учун табаррук бўлиб қоласиз. Лекин буғдой шарт эмас, биз мингдан-минг розимиз. Бизни қидириб топганингиз ўзи катта гап.

Шакар бобо икки пуд буғдойни эўрлагудек қолдирди.

Ширинбой эса ҳалиям ҳаётда шундай пок ҳалол одамлар борлигидан қаттиқ таъсирланди.

Шакар бобо уйига қуппай енгил тортиб қайтди. Неча кунлик безовталикдан асар ҳам қолмаган. У қиёмат қарзидан қутилган эди...

Шуҳрат ЖАББОРОВ.

ХДП ҳаёти: котиблар нима дейди?

ПАРТИЯ ТАҚДИРИ – МЕНИНГ ТАҚДИРИМ

Сир эмаски, истиқлол шарофати туфайли мамлакатимизда бир нечта сиёсий партиялар фаолият кўрсатяпти. Бу, албатта, давр тақозаси. Ана шундай кўппартиялилик шароитида Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги ўрни ва роли қандай бўлиши керак? Ушбу савол билан мухбиримиз бир неча котибларга мурожаат қилди.

— Очиғини айтадиган бўлсак,— дейди Вобкент туман партия кенгашининг биринчи котиби Шавкатилло Ярашев,— партиямизнинг бугунги тақдири ҳам, эртанги истиқболи ҳам сафларимизнинг мустаҳкамлигига боғлиқ. Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Сиёсий ижроия қўмитаси томонидан Бухоро шаҳрида ўтказилган минтақавий семинар кун тартибида ҳам шу масала ҳамманинг эътиборида бўлди. Бу борада котиблар фикри ўртага ташланганда ҳамманинг мақсади, маслаги муштараклиги — партия тақдирига барчамиз масъуллигимиз аён бўлди.

Фаолиятимизда партия сафини тобора ўстириш, ташкилий, тизимни мустаҳкамлашга алоҳида эътибор беряпмиз. Ҳозир сафимизда 2,5 минг ХДП аъзоси бор. Улар 50 дан зиёд бошланғич ташкилот атрофига мустаҳкам уюшиб, ислоҳотларнинг иккинчи босқичи вазифаларини беқаму-кўст бажаришга салмоқли ҳисса қўшишяпти. Биргина шу йилнинг ўтган даврида сафимизга юздан зиёд киши қўшилди. Улар билан иш олиб боришда бошланғич ташкилотлар керакли тажрибага эга.

— Бошланғич партия ташкилотлари Ўзбекистон ХДП негизи ҳисобланади,— дейди Ғиждувон туманидаги «Зарафшон» жамоа хўжалиги партия ташкилоти котиби Аҳмад Бозоров.— Шундай экан, бошланғич ташкилот ҳамма нарсага қодир бўлиши керак. Туман партия кенгаши ҳамиша бизга кўмакдош. Сафимиздаги 141 аъзо хўжаликда ислоҳотлар тақдирига дахлдор. Бошланғич ташкилот эса ўз навбатида аъзоларининггина эмас, балки бутун жамоа хўжалигида яшовчиларнинг манфаатини кўзлаб фаолият юритади.

Ташкилот обрўси — аъзоларининг меҳнатсеварлиги, уларнинг шахсий ибрати билан боғлиқ. Ш. Шаропов, Ф. Ғадоев, С. Ражабов, Х. Раҳимов, Н. Шамсиев, И. Қурбонов, И. Гулбоев, И. Ўринов, Қ. Рўзиев сингари кўплаб партиядошларимиз эл орасида танилганлар. Улар меҳнати билан қишлоқлар газлаштириб бўлинди, хўжаликка ичимлик сув олиб келиняпти.

Мамлакатимизда бўлгани каби хўжалигимизда ҳам бажарилиши лозим бўлган юмушлар жуда кўп. Гарчи аҳолини иш билан таъминлаш чоралари кўрилаётган бўлинса-да, бу қониқарли эмас. Деҳқон эркини ҳимоялаш, хусусийлаштиришни поёнига етказиш, аҳоли дастурхонини ноз-неъматларга сероб қилишдек ишлар зиммамизда. Бунда ҳар доимгидек бошланғич ташкилот ташаббускорликни ўз қўлига олади.

— Мен тақдиримни партия билан боғлаганимга анча йил бўлди,— дейди Бухоро туманидаги Сели Ёдгоров номли жамоа хўжалиги партия ташкилоти котиби Худойберди Бобоев.— Шу боис унинг қувонч ва ташвишлари билан яшайман. Хўжалигимизда ишлаётган 50 дан зиёд партия аъзоси ҳам синалган, ишчан. Улар партиямизнинг келажагига ишонадилар. Унинг дастурий мақсадлари ҳаётий бўлибгина қолмай, салоҳиятли, фаолияти лоқайдликдан йироқ.

— Партиямиз нуфузини оширишда биз котибларнинг фаолияти ҳам муҳим аҳамият касб этишини кўпчилик билса керак,— дейди Шофиркон туманидаги «Ўзбекистон» жамоа хўжалиги партия ташкилоти котиби Муҳаммад Сафаров.— Чунки, халқ орасида юрган котибга ҳамма дардини айтади, ортидан эргашади. Одамларнинг кундалик муаммоларини биргаликда ҳал қилиш билан бирга ўз сиёсий билимимизни ошириб боришимиз керак. Ҳозирги шароит шуни талаб этади.

Сир эмас, партия ташкилоти котиби ўз навбатида хўжалик раҳбарининг муовини сифатида маош олади. Шунга яраша иши кўп. Аммо, партиявий иш биринчи даражали иш бўлиши лозим. Шунисига хурсандманки, ҳам партиявий фаолият, ҳам хўжалик фаолиятини бирга олиб бориш имконияти бизда мавжуд. Бошқарув раиси ҳам ХДП аъзоси, ҳамкорликка мойил, 162 ХДП аъзосидан 120 нафари бевосита ишлаб чиқаришда банд. Демак, халқ орасида вакилимиз, таянчимиз бор. Ҳеч қачон юкимиз ерда қолмайди.

Аҳоли ижтимоий жиҳатдан ҳимояланган давлат қудратли бўлади. Буни ҳисобга олиб эътиборни фаолиятимизнинг шу томонига қаратдик. Меҳнаткашларни ун, пахта мойи билан таъминлаб турибмиз. Газлаштириш давом этмоқда. 20 дан ортиқ ёлғиз кишиларни оталигимизга олганмиз. Хуллас, ишимиз янги мазмун билан бойиб боришига ҳаракат қиляпмиз.

Ҳа, Ўзбекистон Халқ демократик партияси халқчил партиядир. Янгича шароитда ҳам унинг нуфузига нуфуз қўшилаверади. Бунга унинг Бухоро вилоятидаги бошланғич ташкилотлари етакчилари қаттиқ ишонадилар. Чунки, партиядошларимизнинг эътиқоди ХДПнинг мақсад ва маслаги билан уйғунлашиб кетган.

Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

БИР ОИЛАДАН ОЛТИ КИШИ

Қарши шаҳридаги «Бўстон», «Заҳзон», «Кат», «Равоқ», «Карамжўй», «Ҳудойзор» сингари 54 та маҳаллада ҳудудий партия ташкилотлари тузилди.

Қарлиқобод маҳалласида истиқомат қилувчи Сафарова Зуҳра, Сафарова Малика, Сафаров Сайфулла, Сафаров Содиқ, Сафаров Санжар ХДП сафига ўтдилар. Уларнинг оталари Салим Сафаров 1960 йилдан бери партия аъзоси. У узоқ йиллар турли қурилиш ташкилотларида меҳнат қилиб, ҳамюртларининг ҳурматига, меҳрига сазовар бўлди. Ҳозирги кунда эса маҳалла оқсоқоли.

— Тақдиримдан нолимайман, — дейди у биз билан суҳбатда,— фарзандларим менинг йўлимни тутишди.

Илҳом КАРОМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Тадбиркорлар бурчаги

КИЧИК КОРХОНА – БУГУННИНГ ТАЛАБИ

Бугундан бошлаб рўзномамизда «Тадбиркорлар бурчаги» янги рукни остида ишбилармон ва тадбиркорларга ёрдам тариқасида туркум мақолалар бериб борамиз.

Президентимиз Ислом Каримов «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида» китобида иқтисодий ислоҳотлар иккинчи босқичининг вазифалари ва устивор йўналишларига тўхталиб, хусусийлаштириш жараёнини чуқурлаштириш ва мулк эгасини топишига кўп аҳамият беришликни таъкидлади. Ҳозир бозор иқтисодиёти шароитига ўтишда биз кўпроқ бизнесмен, менежер, тадбиркор сўзларини ишлатяпмиз. Лекин бу сўзларнинг маъноси нималигини билишимиз керак.

Бизнес — кенг маънодаги қонуний йўл билан даромад топишга қаратилган фаолиятдир. Тадбиркорлик эса мулк эгаларининг ўз моддий ва пул маблағларини (капиталини) амалда хўжалик оборотига тушириб даромад топишга мўлжалланган иқтисодий фаолиятдир. Бизнес — тадбиркорлик кичик корхоналарининг фаолияти билан боғланган. Ҳозир республикамизда кичик корхоналар сони 30770 га ва хусусий корхоналар сони 20113 га, фермер хўжаликлар сони эса 13600 га етди.

Кичик корхоналарнинг моҳияти, таркиби ва уларни ташкил қилиш қоидалари нималардан иборат? Нима учун кейинги пайтларда кичик корхоналарни қуриш ва уларни фойдаланишнинг аҳамияти ортиб бормоқда?

Кичик корхоналарни ҳам давлат, ҳам фуқаролар мулки асосида қуриб ишга тушириш мумкин. Корхоналар икки жиҳати: биринчидан, ишлайдиганлар сони, иккинчидан, сотиладиган маҳсулот ҳажми (ёки оборот миқдори) билан ажралиб туради. Бозор конъюнктурасига тез мослашадиган кичик корхоналарнинг сони АҚШда 20 миллионга, Японияда-9, Ҳиндистонда 12 миллионга етди. АҚШда масалан, 20 нафаргача ишчиси бўлган корхоналарнинг сони 3 миллиондан ортиқроқ бўлиб, улар мамлакат ялпи миллий даромадининг 20 фоизини бермоқда. Бу ерда 1,5 миллион чакана савдо корхоналарининг 80 фоизида 20 нафаргача киши меҳнат қилади. Кичик корхоналар бошқа мамлакатларда бирон-бир оила капитал асосида ташкил қилинган бўлиб, қолган 7-15 таси эса ёлланма ишчилардан иборатдир. Шунинг учун ҳам уларда кичик корхоналар одатда хусусий бизнес объектидир. Кичик корхоналарда нафақат бозор конъюнктурасига нисбатан ҳаракатчан ва эпчил, шу билан бирга улар янги технологияни тез қабул қилиб олишга қодир. Уларни ташкил қилиш нисбатан осон бўлиб, қулайлиги шундаки, улар нархлар сиёсатида бозор механизмига, солиқ тизимида эса маълум имтиёзларга асосланган. ГФРда, масалан, бир йилда оладиган фойдаси 3 миллион маркадан ошмайдиган майда соҳибкорлик учун солиқ ставкаси йирик фирмаларга нисбатан 50 фоизга пастдир. Агар йиллик фойда ҳажми 3-5 миллион марка бўлса, унда йирик фирмаларга нисбатан 30 фоизга камроқ солиқ ундирилади.

Республикамизда кичик корхоналарни вужудга келтириш алоҳида аҳамиятга эга. У биринчидан, меҳнатга лаёқатли аҳолини, айниқса қишлоқ жойлардаги ишсизларни ижтимоий фойдали меҳнатга тортишда муҳим роль ўйнайди. Саноат жиҳатидан ривожланган мамлакатларда янги иш жойлари ўсишининг ярмидан кўпроғи ана шу корхоналар ҳиссасига тўғри келаётганлигини таъкидлашнинг ўзи кифоя. Иккинчидан, тез бузиладиган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлашда бу типдаги корхоналар жуда қўл келади. Учинчидан, бозорни халқ истеъмоли моллари билан таъминлашда, умумий овқатланиш тармоқларини кенгайтириш ва улар ишининг сифатини яхшилашда кичик корхоналарнинг роли беқиёсдир.

Мамлакатимизда кичик корхоналарни ривожлантириш бизнингча икки йўлдан бориши керак. Биринчидан халқ хўжалигининг барча тармоқларида уларни ташкил қилишни бутун чоралар билан ривожлантириш зарур. Республикамизга қанча кичик корхона керак? Аниқ бир сонни айтиш қийин, лекин бозор иқтисодиёти қанчани талаб қилса, шунча кичик корхоналар бўлиши керак. Бу борада мавжуд имтиёзлардан кенг фойдаланиш, майда соҳибкорликка давлат томонидан бериладиган ёрдамни кучайтириш муҳим аҳамиятга эга. Масалан, қурилишга, таъмирлашга, техника ва технологияни янгилашга сарфланадиган кичик корхоналар фойдасидан солиқ ундирилмайди. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқарадиган ва қайта ишлайдиган, халқ истеъмол моллари, қурилиш материаллари ишлаб чиқарадиган ва ремонт-қурилиш ишларини бажарадиган кичик корхоналар ўз фаолиятларининг дастлабки икки йили мобайнида бутунлай даромад солиғидан озод қилинади.

Кичик корхоналарни ривожлантириш масаласи кўп жиҳатдан ҳокимиятларга ҳам боғлиқ. Улар кичик корхоналардан максимум солиқ ундириб, уларни кооперативлар сингари ҳали куртак ҳолида бўғиб қўйиши ҳам мумкин. Лекин бу корхоналар ривожланиши учун олдин имтиёзли шароит яратиб, кейин эса улардан маҳаллий эҳтиёж учун самарали фойдаланиш мумкин. Чунки кичик корхоналарнинг фойдасидан ундириладиган 45 фоиз солиқнинг тенг ярми маҳаллий бюджетлар учун сарфланади. Иккинчидан, жумҳуриятимиздаги мавжуд кичик корхоналарнинг келгуси тақдирини ҳал қилиш керак. Яъни улар қайси мулк (давлат, кооператив ва фуқаролар мулки) асосида ривожланади?

Гап шундаки, уларнинг давлат монополиясида бўлиши юқори ишлаб чиқариш самарадорлигини таъминламаяпти. Шунинг учун ҳам бу хил корхоналарни, айниқса аҳолига хизмат кўрсатиш, кишиларнинг кундалик эҳтиёжларни таъминлаш билан боғлиқ шундай корхона ва ташкилотларни коллектив (жамоа)ларга ва хусусий кишиларга топшириш муҳим масаладир.

Ҳ. АЛИМОВ,
иқтисод фанлари номзоди.

Корея Республикаси озодлигининг 50 йиллигига

ЯШНАЁТГАН ЮРТ

Корея Республикаси озодлигининг ярим асрлик байрамини кенг нишонлаяпти. Бундан эллик йил муқаддам собиқ СССР ва АҚШ ҳукуматларининг шартлашувига кўра Корея икки қисмга ажратилган, икки давлат— Корея Халқ Демократик Республикаси ва Корея Республикаси ташкил топганди. Биринчиси-социалистик тузум йўлидан борди, иккинчиси эса — капиталистик. Бу даврда ҳар икки давлат ҳам 1945 йилиги уруш жароҳатларини тузатишга, иқтисодиётни оёққа турғазишга киришди.

Хўш, Корея Республикаси фавқулодда катта, тезкор силжишга қандай эришди? Жаҳон тажрибаларидан маълумки, юксак тараққий этган мамлакатлар бунга демократия туфайли эришган. Тўғри, 1960 йилларгача Корея Республикаси аҳолиси асосан америкаликлар ёрдамига таянган. Чунки бу вақтда ялпи миллий маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми бор-йўғи 6 фоиздан 14 фоизинигина ташкил этарди. Қишлоқларда иқтисодий ўпирилиш даври бўлса-да, лекин аҳоли сони ўсиши йилига уч фоизга ортиб борарди. Мамлакатда озиқ-овқат маҳсулотлари етишмас, ички имкониятлар заҳиралари эса кам, ишсизлар сони ошиб борар, ночор «доира»дан чиқишнинг эса йўли йўқдек эди. Худди шундай мушкул вазиятда иқтисодиётда ва сиёсатда янгича ҳур фикрловчи инсонлар давлатни бошқаришни ўз зиммаларига олдилар. Кореянинг биринчи президенти Ли Син Ман ана шундай инсон.

Мамлакатда 1948 йили Конституция қабул қилинди. Корея Республикаси халқаро мажбуриятларни беҳад ҳурмат қилади, тегишли шартномаларни эътироф этади, халқаро ҳуқуқнинг ҳаммага танилган қоидаларига риоя қилади. Конституцияда иқтисодий ҳуқуқ-мулкчилик ҳуқуқи, меҳнат қилиш ҳуқуқи ва бурчи, касб танлаш эркинлиги, ёшидан қатъи назар билим олиш ҳуқуқи, фуқароларнинг солиқ тўлаш мажбурияти тан олинган.

Жанубий Кореяни корейслар чуқур муҳаббат билан «Хангук» деб ҳам атайдилар. Беш минг йиллик маданиятга эга бу мамлакатнинг қисқа давр ичида маданияти ва иқтисодий юксалиши кишида ҳайрат ва қизиқиш уйғотиши табиийдир. Унинг пойтахти эса бу кунларда ўзининг 600 йиллик тарихий санасини нишонларди.

Ўтган йилнинг февраль ойида Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг Корея Республикасига қилган ташрифидан сўнг бу иккала мамлакат ўртасидаги ўзаро иқтисодий ҳамкорликлар янада кенг қамровли тус олди. Давлатлараро ўзаро дўстона ҳамкорликка қўшаётган бой ҳиссаси, ташаббуси учун Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов Корея Республикасининг Мугунхва ордени билан тақдирланди.

Корея Республикаси Президенти жаноб Ким Ен Сам ва Сон хонимнинг Ўзбекистонга ташрифига, юртимизда Корея Республикасининг биринчи элчихонаси очилганига бир йил бўлди. Уни бой тажрибали, юқори маданиятли, мартабали дипломат-элчи жаноб Со Кон И бошқармоқда.

Ўтган шу қисқа вақт мобайнида шахсан элчи жаноблари ташаббуси билан ҳар икки мамлакат учун фойдали ҳамкорлик алоқалари янада мустаҳкамланди. Ҳозирга келиб Ўзбекиситонда бутун дунёга машҳур бўлган ЎзДЭУ ва ЎзДЭУ-электроника ҳамда Самсунг, Корея республикаси халқ таълим маркази, кўплаб ҳамкорликдаги ишлаб чиқариш корхоналари изчил фаолият кўрсатаётир.

Корея Республикасининг Ўзбекистондаги элчиси жаноб Со Кон Ининг шахсий ташаббуси билан 1995 йилнинг июлида элчи қарорғоҳида ўзбекистонлик ижодкорлар билан думалоқ стол атрофида ижодий учрашув бўлиб ўтди. «Корея Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси адабиёт, санъат ва маданий алоқаларни янада ривожлантириш» шиори остида ўтган бу ижодий учрашув ҳар икки томондан ташриф буюрганларда катта қизиқиш уйготди. Унда халқ ёзувчиси Одил Ёқубов, шоир Жамол Камол, халқ артисти Бернора Қориева, Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлар вазири ўринбосари Т. Мўминов. Композиторлар уюшмаси аъзоси ва Ўзбекистон Кинематографчилар уюшмаси аъзоси Эола Пак, «Ўзбекистон овози» рўзномасининг бош муҳаррири, шоир Азим Суюн ва Аҳмаджон Мелибоевлар қатнашдилар. Улар ижодий учрашувда сўзга чиқиб. Корея Республикаси халқини миллий байрам-Корея Республикасининг Япония милитаризм истибдодидан озод этилганлигининг 50 йиллиги билан табриклаб, Корея Республикаси президенти Ким Ен Самга бундан кейинги бунёдкорлик ишларига, равнақ топаётган янги Кореяни қураётган барча корейс халқига ижодий ютуқлар тиладилар.

Борис ПАК,
ёзувчи, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими.
Александр КИМ,
Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими аълочиси.

Соғлом авлод учун

ЭЛЛИККАЛЪА ДАВОЛАШ МАРКАЗИ

Жанубий Орол ва Амударё қуйи этакларида меҳнаткашларнинг мириқиб дам олиши ва даволанишни учун санаторийларга айлантирса бўладиган оромбахш жойлар кўп. Шу боис Элликқалъа тумани ҳокимлиги, туман партия кенгаши, туман касаба уюшмалари Элликқалъада, Акчакўл бўйларида меҳнаткашларнинг дам олиши ва даволанишини ташкил этиш борасида бир қатор ибратли ишларни амалга оширмоқдалар. Бу ҳақда Элликқалъа тумани агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмалари қўмитаси раиси Сотимбой АЙТБОЕВ шундай деди.

— Саломатлик — туман бойлик. Одамларимиз қанча соғлом бўлса, ҳаётимиз, турмушимиз пойдевори шунча мустаҳкам бўлади.

Олдингдан оққан сувнинг қадри йўқ, деганларидек марказий санаторийлардан кўра республикамиздаги дам олиш уйлари минг марта афзал. Ҳозирги кунда Элликқалъа туман ҳудудининг тўрт жойида шифобахш маъдан сувлар топилиб, улардан самарали фойдаланилмоқда. Айниқса, Акчакўл бўйида топилган сувдан яхши фойдаланилмоқда. Ана шу имкониятларни ҳисобга олган ҳолда 2000 йилга бориб туманда ҳар сменада минг киши дам оладиган ва даволанадиган мажмуаларни вужудга келтириш назарда тутилмоқда. Акчакўлнинг шимолидаги пахта тозалаш заводи санаторий-профилакторийсида ҳар сменада эллик киши даволанади. Келажакда бу ерда дам олиб, даволанадиганлар сони уч ҳиссага кўпайтирилади. Ҳозир бу ерда даволаниш марказининг юз кишига мўлжалланган иккинчи навбати қурилиши тезкорлик билан олиб борилмоқда.

«Боғён» фермер ширкат хўжалиги ҳудудидаги Алишер Навоий номли санаторийда эса юрак ва юрак-қон томирлари хасталиклари, мускул, бўғин, ошқозон-ичак, гинекологик ва тери касалликларига чалинган республикамизнинг шаҳар ва туманларидан келган беморлар даволанишяпти. Шу йилнинг апрель ойида «Сарабий» фермер хўжаликлари ассоциацияси шундай номдаги учинчи санаторийни фойдаланишга топширди. Яқинда «Элликқалъа» фермер хўжаликлари ассоциацияси ҳудудидаги Акчакўл қирғоғида 250 кишига мўлжалланган янги санаторий қурилиши бошланди. Унинг бошқа санаторийлардан фарқи Шарқ ва Европа меъморчилиги уйғунлашиб қурилаётганида.

Элликқалъа туманида соғломлаштириш, даволаниш тармоқлари тобора ривожланмоқда. Келажакда эса Акчакўл қирғоқлари Қорақалпоғистон Республикаси меҳнаткашларининг дам оладиган ва даволанадиган маркази бўлиб қолади.

Суҳбатдош :
Реймбой ЕШИМБЕТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Кейинги пайтларда Жиззах пайпоқ фабрикаси яхшигина кўрсаткичларга эриша бошлади. Шу боисдан фабрикада кунига 30 минг жуфт 15 кўринишдаги харидоргир пайпоқ маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда. Чунки фабриканинг бир маромда ишлаш сири бу ерда ишбилармон ва тажрибали касб фидойиларининг кўплигидадир.

СУРАТДА: корхонанинг ёш ишчиси Жамила Алланова ишлаб чиқарилаётган маҳсулот турларини кўз-кўз қилмоқда.

Б. ТЎРАЕВ (ЎзА) олган сурат.

Мулоҳаза

«ДАВЛАТ ТИЛИ»НИ БИЛМАЙДИГАН МУТАХАССИСЛАРГА МУҲТОЖМИЗМИ?

Тилимиз қонун йўли билан ҳимояланган пайт (1989) дан бошлаб республикамиздаги мавжуд олий ва ўрта махсус ўқув юртларининг миллий гуруҳларида барча машғулотлар, маърузалар тўла давлат тилида олиб бориладиган бўлди. Асосан русийзабон гуруҳларда ўзбек тилининг фан сифатида ўқитилиши режалаштирилди. Олимлар томонидан қисқа муддат ичида ўқув дастурлари, қўлланма ва дарсликлар яратилди.

Пойтахтдаги Биринчи ва Иккинчи тиббиёт ҳамда Болалар тиббиёти (СамПИ), Автомобиль йўллари, Консерватория, сув хўжалиги институтларида, Қишлоқ хўжалиги, Техника дорилфунунларида « Ўзбек тили ва адабиёти» кафедралари ташкил этилди. Тан олиб айтиш керакки, дастлабки пайтларда кафедраларга яхшигина эътибор берилди. Кўпчилик «ҳар бир институтда давлат тилига риоя этилиши назорат қилиб турилади-ган «марказ» ташкил топди, мана энди ижтимоий ҳаётимизнинг ҳамма йўналишлари тез орада ўзбек тилида иш юрита оладиган мутахассислар билан таъминланади,» деб катта умид ва ишонч билдирган эди. Бироқ кейинги йилларда «Ўзбек тили ва адабиёти» кафедраларига кўзланган имкониятлар яратиб берилмади.

Ажабланарлиси шундаки, Темир йўллар, Тўқимачилик, Доришунослик каби бир қатор институтларнинг раҳбарлари мустақиллик шароитида ҳам ўзбек тилининг эскирган услублардан қутилишини хоҳламаяптилар. Шу боис ана шу институтларда «Ўзбек тили ва адабиёти» кафедрасини ташкил этиш ўрнига тил қонуни қабул қилунгунга қадар мавжуд бўлган: рус тили, чет тили кафедраларини ҳозирда бирлаштириб «Тиллар кафедраси» деб номлашган. Институт раҳбарларига юқоридан гап тегиб қолмаслиги учунгина янги кафедраларда ўзбек тили ўқитувчиларига икки-уч ўрин (штат) ажратилди холос. Ниҳоятда кам сонли ўзбек тили ўқитувчилари кўпинча асосий вазифалари бир четда қолиб, институт маъмуриятининг норасмий таржимонларига айланиб қолишмоқда.

Фикримиз тушунарлироқ бўлиши учун яна баъзи мулоҳазаларга тўхталамиз: таъкидлаб ўтганимиздек, 1989 йил ўзбек тили мажбурий ва асосий фан сифатида ўқитила бошланган пайтда институтларнинг ўрис гуруҳларига қабул қилинган талабалар беш йилдан сўнг, яъни ўтган 1994 йилга келиб ўқишни битирдилар. Шу ўринда пойтахтдаги бирон бир институт раҳбари бундай гуруҳларни битирган ёш шогирдларни «юз фоиз давлат тилида иш юрита олади» деб ишонч билдира оларми-канлар? Турган гапки, улар бундай кафолат бера олмайдилар! Чунки институтларнинг ўрис гуруҳ талабаларига ўзбек тили фанидан бир, нари борса бир ярим йил, шунда ҳам ҳафтада бир маротаба 90 минутлик дарс соати ажратилган холос. Бу эса нафақат ўрис, балки милий гуруҳлар учун ҳам камлик қилади. Аслида-ку миллий гуруҳларда она тили дарси умуман йўқ.

Энди эътиборингизни мавзунинг яна бир муҳим жиҳатига қаратмоқчимиз: айни пайтда Ўзбекистондаги мавжуд институт ва техникумларнинг ўрис гуруҳларида барча ўқув машғулотлари ва маърузалар ўрис тилида олиб борилади. Устига-устак яна улар учун бу тил алоҳида фан сифатида ўқитилади. Ўзбек тили дарсларининг ҳам асосий қисми шу тилда тушунтирилади. Шу тариқа улар ўн-ўн бешта ўзбекча сўзни ўрганса ўрганади, бўлмаса у ҳам йўқ, «Давлат тили» нима эканлигини ҳаёлига ҳам келтирмай яна уч-тўрт йил ўқиб, диплом олиб кетаверадилар.

Суньий тазйиқларга учрамасдан, миллий тили эркин ривожланаётган Германияда — немис, Кореяда-корейс, Фарангистонда - фаранг, Эронда— эрон... тили юксак талаблар асосида ўқитилиб, миллий тилнинг софлигини сақлаш давлат аҳамиятига эга бўлган муҳим масалалардан ҳисобланади. Бизда эса таъкидлаб ўтганимиздек: институтларнинг ўрис гуруҳи талабаларига ўрис тили фани ўқитилади. Аммо, миллий гуруҳларда ўзбек тили дарси жорий қилинмаган. Хўш, нега энди ўрис биродарларимиз ўз тилини мукаммал билишлари учун ғамхўрлик қиламизу, миллий гуруҳларда таҳсил олаётган талабаларга она тили давлат тилимизни чуқурроқ ўрганишлари учун етарли имкониятлар яратмаймиз?

Шу туфайли ҳам оддийгина дўкон сотувчиси харидорларини огоҳлантириш учун — «извините, у нас переучёт», деб қойил мақом қилиб ёзиб қўя қолади. Давлат тилида эса... бошқаларни қўя турайлик, кўп ҳолларда ҳаттоки олий маълумотли кишилар ҳам сўз ва жумлаларни ўз ўрнида қўллай олмайди: ярим саҳифа, нари борса бир саҳифалик ўз таржимаи ҳолини она тилида бенуқсон ёза олмайдилар.

Давлат тили билан боғлиқ бўлган барча муаммоларни бартараф қилиш учун эндиликда тегишли вазирликлар, мансабдор шахслар институт ва техникумларда ўзбек тили дарс соатларини кўпайтиришлари талабалар ўқишни битиргунларига қадар мутахассислигига оид фанлар билан давлат тили ёнма-ён ўқитилишини, ўқишни битиришда эса нафақат ўрис, балки миллий гуруҳларда ҳам ўзбек тилидан (қатъий тартибда) давлат имтиҳони топширишлари зарур. Акс ҳолда давлат тили билан боғлиқ муаммолар ҳали-бери ўз ечимини топиши амри маҳол. Зеро, вақти келиб давлатнинг, халқ жўжалигининг ҳамма соҳаларини ҳозирги талаба ва ёшлар бошқарадилар. Демак, ўзбек тилининг келгусидаги мавқеи ҳам ҳозирги талабаларга, уларга она тилимизни қандай ўқитишимизга боғлиқ.

Ўтган йиллар давомида давлат тилини турмушга татбиқ этиш мавзусига оммавий ахборот воситаларида муҳим аҳамият берилди. Аммо ўқув юртларида ўзбек тилининг фан сифатида ўқитилиши масаласи кўпчиликнинг эътиборидан четда қолди. Эндиликда ёзувчи ва журналистларимиз вақти-вақти билан ана шу мавзуга назар ташлаб турсалар. Токи, қадимий, гўзал ва буюк она тилимиз тезроқ ҳар хил губорлардан тозаланса.

Дилшодбек ҲАКИМОВ,
Ўзбекистон ФА Тилшунослик институти илмий ходими.

ХАК-ХУКУКИНГИЗНИ БИЛАСИЗМИ?

ФАҚАТ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ ҲАҚИДА

Хоразм вилоятидан Ж. Отажонов таҳририятимизга мурожаат қилиб, хусусийлаштиришни амалга ошириш билан боғлиқ бир қатор саволлар берган. Қуйида ҳуқуқшунос Забиҳилло МУҲАММАДЖОНОВнинг жавобларини бермоқдамиз.

Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 19 ноябрда қабул қилинган «Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида»ги Қонунига асосланиб хусусийлаштириш ҳақида қисқача тушунтириш берамиз:

Хусусийлаштириш бу жисмоний ёки юридик шахслар томонидан давлат мулкини ёки давлат акционерлик жамиятларининг акцияларини сотиб олиш демакдир.

Шу Қонуннинг 1993 йил 7 майда қабул қилинган узгартишлар ва қўшимчалар киритилган 10-моддасида шундай тушунтирилади.: «Ижарачи давлат мулки объектларини тасарруф этувчининг розилиги билан узи ижарага олган мол-мулкни тўлиқ ёки қисман сотиб олиши мумкиндир».

Шу Қонуннинг 11-моддасида эса давлат корхонасини жамоа корхонасига айлантириш меҳнат жамоаси аъзолари томонидан давлат мулкининг ҳақини бир йўла ёки бўлиб-бўлиб тўлаш орқали сотиб олиш ёки мулкнинг уларга текин берилиши йўли билан ҳам амалга оширилиши мумкинлиги кўрсатилган.

Бунда, албатта, мол-мулк жамоа эгалигига сотиб олиниши чоғида жамоа корхоналарининг уставида ҳар бир ходимнинг мол-мулкдаги ҳамда фойдадаги улуши белгилаб қўйилади, бунда уларнинг иш стажи, маошининг миқдори ва бошқа омиллар эътиборга олиниши керак.

Ўзбекистон Олий Кенгашининг 1992 йил 2 июлдаги 613-қарорининг 1-иловасидаги рўйхатда давлат мулкига тааллуқли мулклар, яъни ер ости бойликлари, ичимлик сувлар, ҳайвонот олами, тарихий ва маданий объектлар ва ҳоказолар кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси рухсати билан олиш мумкин бўлган объектларга соғлиқни сақлаш муассасалари, болалар истиқомат қиладиган ишлаб чиқариш корхоналари ва ташкилотлари, кинолаштириш корхона ва объектлари, матбаа корхоналари ва нашриётлар, пахта, хом ипак ва ғалла ишлаб берувчи корхоналар, ногиронлар интернатлари, мактабгача тарбия болалар муассасалари ва ҳоказолар киради.

3-иловада чекланилган хусусийлаштириш объектларига эса алоқа объектлари, монтаж ва қурилиш, соғломлаштириш муассасалари каби айрим объектлар киради. Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида»ги Қонуни давлат мулкига тааллуқлими ёки жамоа мулкига тааллуқлими, деган саволга албатта давлат мулкига тааллуқли деб жавоб беради.

Шунингдек, газетхон Ж. Отажонов ўз мулкимни идора қилувчи ўзга шахсга ишонсам, мулк эгалигидан маҳрум бўламанми, деган саволни қўйган. Қонунда мулк бошқа шахсга (масалан, оила аъзоларидан бирига) берилса, мулкдорлик ҳуқуқи сақланиб қолади.

ЖАНОБИ ТАДБИРКОРЛАР, ФИРМА РАҲБАРЛАРИ!

Сизларни 1995 йил 16 ва 17 август кунлари қурилиш материаллари ва металл маҳсулотларининг махсус ярмаркаси ҳамда биржа савдоси очилишига ТАКЛИФ ҚИЛАМИЗ.

"Ўзбекистон Республикаси (мол) хом ашё биржаси" акционерлик жамияти, "Ўзқурилишматериалсавдо", "Ўзметаллсавдо" ҳамюртларимиз ва хорижий мижозларга сифати кафолатланган ҳамда аниқ баҳодаги маҳсулотларни таклиф этади.

Имкониятни бой берманг, жаноблар. Сизда омадли ҳарид қилиш имконияти бор.

•Қуйидаги манзилда кутамиз:
Тошкент, Навоий кўчаси, 7.
Қўнғироқ қилинг, телефонлар:
41-11-81, 41-18-21, 41-22-54, 41-30-93, 41-37-54.

КУТЛУҒ ТЎЙИНГ МУБОРАК, КОРЕЯ!







ДЭУ КОРПОРЕЙШН

1995 йил 15 август - Корея озодлигининг 50 йиллиги





САМСУНГ

УЗ-ДЭУ АВТО

ШИНДОНГ

Корея Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси
Корея Республикаси таълим маркази

УЗ-ДЭУ ЭЛЕКТРОНИКС ЛТД.


СП "ЗИН•У"

АРИРАН РЕСТОРАНИ

КОРЕЯ ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК АГЕНТЛИГИ

КАБУЛ ТЕКСТАЙЛЗ

СЕУЛ РЕСТОРАНИ



Butterfly Group

ҲИНДИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ МИЛЛИЙ БАЙРАМИ

— Мустақиллик куни муносабати билан Ҳиндистоннинг *"Баттерфляй Групп"* компаниясининг Тошкентдаги ваколатхонаси ҳинд халқига ва компания билан ҳамкорлик қилаётган ўзбек ҳамкасбларига қутлуғ айём саломини йўллайди.



"Баттерфляй Групп" компаниясининг Тошкентдаги ваколатхонаси телефонлари:
67-64-86, 68-88-34, 68-88-68.

"МУСТАҚИЛЛИК"

"МУСТАҚИЛЛИК" пул-буюм лотереясини сотиб олиб Сиз катта ютуқ соҳиби бўлишингиз мумкин.

ПУЛ-БУЮМ ЛОТЕРЕЯСИ

Лотерея билетининг баҳоси 10 сўм.

Ютуқлар тиражи 1995 йил 29 — 30 август кунлари Тошкент шаҳрида ўтказилади.

Ютуқлар тиражида автомобиллар, телерадиоаппаратуралар, мебель тўпламлари, электржиҳозлар, кир ювиш машиналари ва бошқа турдаги халқ истеъмоли моллари ўйналади.

Лотерея билетларини жамғарма банкининг барча муассасаларидан, алоқа бўлимларидан, савдо ташкилотларидан ҳамда жамоатчи тарқатувчилардан сотиб олишингиз мумкин.

Тўлиқ маълумотларни жамғарма банкининг исталган муассасасидан, алоқа бўлимларидан ёки қуйидаги телефонлар орқали билиб олишингиз мумкин: 33-51-95, 45-35-49, 45-66-43.

СИЗГА ОМАД ТИЛАЙМИЗ!

МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ.
МАРКАЗИЙ БАНК.
ЖАМҒАРМА БАНКИ.
АЛОҚА ВАЗИРЛИГИ.
ЎЗБЕКСАВДО.
ЎЗБЕКБИРЛАШУВ.

СИЗГА ОМАД ТИЛАЙМИЗ!



Пойтахт фавворалари.

Абдувоҳид ТЎРАЕВ олган сурат.

УМРБОҚИЙ

«ИСТИҚЛОЛ ТОНГИНИ КЎРМАДИНГ...»

(«Усмон Носирнинг сўнгги кунлари» китобини ўқиб)

Фарёдинг эзади юракни ҳамон,
Ижод гулшанингдан топмайман гуноҳ.
Шеърият боғида ўртанар армон,
Чирқираб юради саргардон арвоҳ..

Ётибсан кўтармай ғамдан бошингни,
Нурафшон кўзингга тўлгандир тупроқ...

Бегона тошларга тўкиб ёшингни
Истиқлол тонгини кўрмадинг бироқ..

Руҳингни жаллодлар толдирган замон,
Бошингга солишди кўп андуҳ, хўрлик.
Ҳуррият йўлида курашдинг, Усмон,
Заҳматларинг ҳаққи абаддир ҳурлик!

«НАСРУЛЛОЙИ»НИ ТИНГЛАБ...

Узоқ-узоқлардан келар ул нола,
Кўксимда оғрийди бир наво билгил.
Аждодлар оҳига тополмай чора
Ўшал Насруллойи, Насруллойи бил!

Дилгир оҳанглардан армон оқади,
Дилдорин тополмай қийналади дил.

Абадий оҳанглар қалбим ёқади.
Бу Насруллойи, Насруллойи бил!

Биламан барибир ўзлигим ўзга,
Сени тополмайман эвоҳ, бағрим кул
Билсангиз тошлар ҳам кирадур сўзга
Бу ўша Насруллойи, Насруллойи бил!

Спорт

Мамлакатимиз буюк байрам — мустақилликнинг тўрт йиллигини нишонлаш арафасида турибди. Истиқлол юртимиз буюк келажак сари дадил одим ташламоқда. Халқимиз орзиқиб кутаётган мустақиллик байрами билан бир қаторда қадриятларимизни тиклашга хизмат қилувчи саналар, шунингдек юрт довруғини дунёга ёйишга омили саналган спорт мусобақалари-ю байрамларининг уйғунлашиши нур устига аъло нур бўлянти. Умуман, серқуёш ўлкамиз шу кезлар улкан ўйингоҳни ёдга солади. Диёримиз халқаро мусобақалар гўшасига айланган, десак муболаға бўлмас. Буларнинг орасида жаҳон спорт жамоатчилиги эътиборини қозониб турғани Марказий Осиё ўйинларидир. Шу муносабат билан биз Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари Шавкат ТЎЛАГАНОВга саволлар билан мурожаат қилдик.

БАЙРАМ ТАНТАНАЛАРИ

— Марказий Осиё ўйинларининг Тошкентда илк марта ташкил этилиши, унинг кичик олимпиада деб юритилаётгани бежиз эмас, — дейди Ш. Тўлаганов. — Сир эмаски, бундай нуфузли мусобақанинг ташкил этилиши бурноғи йили Тошкентнинг Олимпиада ўйинларини ўтказиб бериш-га талабгорлик қилиши ва шу муносабат билан Ватанимиз пойтахтига халқаро Олимпия қўмитаси Президенти Хуан Антонио Самаранчнинг ташриф буюриши билан асос солинганди. Тўғрироғи у билан бирга шаҳримиз спорт масканларини кўздан кечирилгач, спорт жамоатчилиги билан ўтказилган йиғилишда Самаранчнинг: «Ҳозирча Марказий Осиё ўйинларини ўтказиш йўлга қўйилса, халқаро олимпиада ҳаракатини ривожлантиришга қўшилган муносиб ҳисса бўларди», деган мулоҳазасидан бошланган эди. Ҳайрли ташаббусни юртбошимиз қўллаб-қувватлади. Шунга ҳам бир йил бўлди. Тан олишимиз керакки, ниҳоятда тиғиз фурсатда тадбиркорона иш юритиб, кичик олимпиада ўйинларини уюштиришга тўғри келди.

Кичик олимпиада дейилишининг ҳам маъноси бор. Шу кунларда ғайрат билан ишлаётган, мусобақанинг тантанали очилиш маросимининг бош режиссёри Рустам Ҳамидов талқинига хос ажойиб томошалар қўрсатиладиган бош ўйингоҳ — «Пахтакор»да бир неча кун порлаб турадиган машъалани қадимий Грециядан, олимпиада ўйинлари Ватанидан келтиришни мўлжаллаяпмиз. Бундай хайрли тадбирни рўёбга чиқаришни «УзЛОТО» Ўзбекистон — Греция қўшма корхонаси ўз зиммасига олган. Тантанали очилиш байрамида Туронзамин халқларининг тарихи, истиқлол саодати ўз ифодасини топади. Спортчиларнинг, санъаткор-у ҳаваскорларнинг чиқишлари уюштирилади. Ўйлаймизки, бундай байрамона кайфият меҳмон бўлиб келиши кутилаётган Хуан Самаранчга, ҳар бир спорт тури бўйича йўриқчи сифатида таклиф этилган халқаро олимпиада қўмитаси вакилларига, қолаверса, Марказий Осиё Республикалари спорт мутасаддиларига ва минглаб томошабинларга маъқул келади.

— **Дастурга кўра, «Пахтакор» ўйингоҳида енгил атлетика мусобақалари ўтказилади ва бунинг учун етарли шароитлар яратилади. Спортнинг қолган турлари бўйича ташкил этиладиган мусобақалар маскани ҳақида ҳам фикр юритсангиз.**

— Умуман, мусобақаларни ташкил этишда халқаро талабларга мос шарт-шароитлар муҳайё этилишига аҳамият берилмоқда. Беллашувлар спортнинг 12 тури бўйича ўтказилади. Чунончи, кураш турлари ва сузиш баҳслари уюштириладиган МҲСК спорт мажмуида таъмирлаш ишлари олиб борилди. «Динамо» теннис саройи эса халқаро мусобақалар ўтказилади. Велопойгачилар учун мўлжалланган Олмалиқ йўли ёки қиличбозлар ихтиёрида бўладиган махсус зал ҳам мутахассисларга маъқул келди.

Мусобақада жами мингдан зиёд кишининг қатнашиши кўзда тутилган. Яна спортчиларга ҳамроҳлик қилувчи тренерлар, ҳакамлар ва бошқа ёрдамчиларни ҳам ҳисобга оладиган бўлсак уларни жойлаштириш, овқатлантириш, дам олишларини уюштириш каби масалалар юзага келади. Марказий Осиё ўйинларини халқаро мақом даражасида ўтказилаётгани меҳмонлар кўнглини олиш таомилини ҳам юқори савияда бўлишини тақозо этади. Шунинг учун шаҳримизнинг «Россия», «Чорсу», «Турон» ва «Тошкент» каби йирик меҳмонхоналаридан фойдаланиш режалаштирилган. «Ўзбекистон» меҳмонхонаси ҳам банд бўлиб, бу ерга нуфузли меҳмонлар таклиф этилади.

— **Мусобақага тайёргарлик қизғин паллага кираётган пайтлар Тошкентга Туронзамин республикалари миллий олимпиада қўмиталарининг раислари ташриф буюришган эди. Ўшанда Марказий Осиё ўйинларининг аҳамияти, келажаги ва уни намунали ташкил этиш хусусида кўпгина мулоҳазалар юритилди. Айтингчи, шундан кейин мусобақага тайёргарлик ва уни ўтказиш билан боғлиқ тадбирлар борасида жойлардан бирон бир истак ёки таклифлар ўртага ташландими?**

— Қардошларимизга спорт мутасаддиларининг узаро йиғилишида бошлаган ишимиз асосан маъқул келиб, улар буни ижобий баҳолашган. Йил-йилакай бажариладиган кўпгина юмушлар уларнинг таклифлари асосида рўёбга чиқади. Хусусан, ҳар бир республика спортчиси спорт либослари ҳамда ҳомийларнинг молдий қўмаги ҳақидаги фикрлар инобатга олинган. Муҳими, йиғилишда Марказий Осиё спорт жамоатчилиги ва мухлисларга Мурожаатнома қабул қилинган эди. Унда хусусан шундай ажойиб сўзлар бор: «Биз Турон—Туркистондек буюк юртнинг фарзандларимиз. Томиримиз, дилимиз, динимиз бир. Мақсадларимиз муштарак. Асрлар оша елкадош бўлиб ҳамфикр, ҳамдард, ҳамсоя бўлиб яшаб келяпмиз...»

Кўриниб турибдики, бундай мусобақани ташкил этишдан мақсад қадимий Турон халқлари ўртасидаги азалий дўстлик ришталарини янада маҳкамроқ боғлаш, ҳамкорлик ва ҳамжиҳатлик билан иш юритиш, халқларимиз порлоқ келажаги сари эзгулик йўлида саъй-ҳаракатлар қилишдир. Спорт тинчлик элчиси сифатида ёшларни, демакки, келажак авлодни соғломлаштириш, бобокалонларимизнинг хислату фазилатларига хос бўлишга даъват этишдир. Бошлаган тадбиримиз ана шундай савобли ишларга хизмат қилади.

— **Ташкилий қўмитанинг ишлари, мусобақани ўтказишга мадад қўлини чўзаётган ҳомийлар, спортчилар-у журналистлар учун яратиладиган қулайлик ва имтиёзлар ҳақида ҳам гапириб берсангиз.**

— Аввало шуни таъкидлашим керакки, Ўзбекистон спортчилари совринли ўринларни олишга астойдил бел боғлаганлар. 700 дан ортиқ медалдан қанчаси қўпроқ кимларга насиб этишини қизғин баҳслар ойдинлаштиради. Лекин курашчиларимиз, енгил атлетикачилар, мерганлар, оғир атлетикачилар, боксчилар ва теннисчиларимизга катта умид боғлаганмиз. Мусобақага тайёргарлик ва уни ўтказиш ташкилий қўмитасига республика Бош вазири ўринбосари С. Сандқосимов раҳбарлик қилмоқда. У кишига миллий олимпиада қўмитаси раиси С. Рузиев билан Тошкент шаҳар ҳокими К. Тўлаганов қўмаклашишмоқда. Албатта, бундай катта мусобақани ўтказиш моддий маблағсиз юзага келмайди. Бизни қувонтирган нарса, катта ишга қўл урганимиздан хабар топган Осиё мамлакатлари миллий олимпиада қўмиталари бизга ҳайрихоҳлик билдирдилар. Хусусан, Жанубий Кореядан боксчилар учун чарм қўлқоплар, курашчилар учун либослар, волейбол тўплари юборилди. Хитойдан эса 300 жуфт спорт пойабзали, баскетболчилар учун ҳам либослар жўнатилди. Халқаро олимпиада қўмитаси эса 100 минг АҚШ доллари ҳисобида ёрдам кўрсатди. Шунингдек, республикамиздаги «Кока-кола», «Узавтотранс», «Ал-Машриқ» каби йирик фирма, корпорация, қўшма корхоналар ҳам мадад қўлларини чўзишмоқда. Уларнинг саховати билан мусобақа кунлари меҳмонлар, спортчиларнинг шаҳар транспортидан фойдаланишлари бепул қилиб қўйилиши мўлжалланган. Ўйлайманки, матбуот маркази ҳам гавжум жойлардан бирига айланади. Марказий шахмат-шашка клубида оммавий ахборот воситалари ходимлари учун халқаро мусобақалар даражасида шароитлар яратилади.

Хулоса қилиб айтганда, юртимизда буюк байрам теграсида нуфузли мусобақаларнинг завқ-шавқи узига хос уйғунлик касб этади. Мухлисларни анъанавий теннис бўйича «Президент кубоги», бокс бўйича Осиё чемпионати, «Нефтчи» ва «Янгиер» жамоаларини Осиё чемпионлари ҳамда кубок эгалари кубоги учун мусобақалар кутмоқда. Демак, Тошкентнинг бош майдонида Истиқлол байрамига бағишлаб ўтказиладиган тантаналар аста-секин ўйингоҳларга кўчаверади.

Ҳайдар НОСИРОВ.

Мулоҳаза

КЕЛИНЛИК ЛИБОСИ ОМОНАТ БЎЛМАСИН

Жамиятимиз таркибининг ярмидан ортиғини хотин-қизлар ташкил этади. Модомики, шундай экан, оила тинчлиги, осойишталигини сақлаш, фарзандлар тарбиясини тўғри йўлга қўйиш, соғлом авлод учун кураш, иқтисодиётимиз тараққиётига ўз ҳиссасини қўшаётган ишбилармон аёлларимиз қуч-ғайратидан кенг фойдаланиш бугунги кунда янгича услублар билан олиб борилиши лозим. Шунинг учун ҳам юртбошимиз хотин-қизлар масаласига жиддий қараб, уни ҳокимият бошқарувининг ажралмас бир қисми деб билди. Эндиликда хотин-қизлар қўмиталарининг ижодий фаолият майдони янада кенгайди. Хўш, режалар қандай бўлиши керак? Аввалгича фақат маънавият соҳасида бўладими ёки хотин-қизларни ижтимоий ҳимоя қилиш имкониятларига ҳам кўпроқ йўл очиладими? Ана шу муаммолар кўпчиликни қизиқтирмоқда.

Хотин-қизлар масаласи билан шуғулланадиган ҳоким муовинлари асосан бошқарувнинг янгича усулларини жорий қилиши ва амалга ошириши зарур. Булар:

Соғлом авлод учун кураш муаммосини ҳал қилишда ҳар бир оилагача кириб бориш;

Аёлларимизни ижтимоий муҳофаза қилиш, яъни нафақадаги аёлларимиз билан узвий алоқа ўрнатиш, ишбилармон аёлларни қўллаб-қувватлаш, кам таъминланган оиладаги аёллар меҳнат фаолиятини тиклаш йўлида ҳаракатлар — кичик корхоналар очиш, ширкатлар ташкил қилиш, касаначилик фаолиятини кенг авж олдириш муаммолари;

Аёл ва саводхонлик муаммосини тўла йўлга қўйиш учун ҳар бир маҳалла ва оилага кириб бориш, дунёвий ва исломий илм, маърифат, фан соҳасида давра суҳбатлари ўтказиш, мушоира кечалари ва авлодлар учрашувини ташкил қилиш. Шунда шояд бозорларда ўтириб ҳунук қилиқлари билан узбек аёли номига доғ тушираётган опа-сингилларимиз сони камайса, ёки хорижий давлатларга бориб, тижорат ўрнига «шижорат» қилаётган аёлларимиз инсофга келишса. Ушбу учрашувларда атоқли олимлар, шоирлар, маданият арбоблари билан жонли мулоқотлар ўтказилса. Юртбошимиз айтганларидек, келажак авлодга биздан обод ва озод Ватан мерос бўлиб қолажак.

Хорижий мамлакатлар аёллари билан ҳамкорлик қилиш.

Шундай йўналишларда иш олиб бориш режалаштирилса ва ҳар бир иш бажарилишига ижодий қаралса хотин-қизлар масалаларини бошқарув катта ижобий натижалар беришига ишончим комил. Борди-ю, аввалгидек фақат кундалик режалар, шикоятни эшитиш, текширишдан иборат деб билсалар, хотин-қизлар масаласи яна ўша «эски тос - эски ҳаммом»лигича қолади.

Фикримча, таклиф ва шикоятлар билан ишлайдиган бир ҳайъат тузилса. Унинг аниқ иш куни тайинланса ҳамда таклиф ва шикоятлар фақат ёзма равишда қабул қилинса мақсадга мувофиқ бўларди. Бундан кузатилган мақсад таклиф ва шикоят билан кетаётган аёлларимизни саводхонликка ундаш,туҳмат, нодоматлар уюштириб юрадиган аёлларни тартибга чақиришдан иборат.

Маълумки, тарбия оиладан бошланади. Боғча, мактаб, маҳалла ва жамоат жойларида шаклланади. Бас шундай экан, нима учун оилага маслаҳат ва маърифат учоғи бўлган «Оила саройи»ни бунёд қилмаймиз. Шундай марказ хотин-қизларимиз тарбия оладиган маслаҳатлашув, озгина ҳордиқ чиқарадиган, келинларимиз эрларидан, қайноналаридан хафа бўлганда ўз уйига кетиб қолмай, ўша ерга бориб мутахассислардан маслаҳат оладиган маскан бўларди. Ахир, эркакларимиз ҳордиқ чиқариш ва узаро фикр алмашув учун чойхоналарга чиқадилар. Амри-маъруф, ёйинки маънавий озиқ олай деб масжидларга борадилар. Афсуски, аёлларимиз учун шунақа жойлар йўқ. Урф-одатларимизга риоя қилган ҳолда, ахир биз чойхонага чиқа олмасак, масжидга бора олмасак. Нима қилиш керак? Менимча, бу масалани ҳал этиш ҳам хотин-қизлар маънавиятининг юксалишида, оилаларимиз тинч-тотувлигини сақлашда катта аҳамиятга молик.

Миллий урф-одатларимизни тиклаш ва ҳаётга татбиқ қилиш ҳам маънавиятимиз асосий масалаларидан. Масалан, қизларимиз турмушга чиқар экан албатта келинлик либосини киядилар. Бу покиза, ҳарир либос фақат келин ўзи биринчи бор кийиши шарт бўлган кийимдир. Уни бошқалардан вақтинчалик олиб кийилмайди. Чунки келинлик либоси келажакда фарзандлар, набираларга мерос қилиб қўрсатиладиган бетакрор кийимдир. Шу боис келинлик либосини, келинглар ўзимиз тиклайлик, келинларимиз илк бор оҳорлик қилиб ўзлари кийсин. Шунда ҳар қандай ирим-сиримлар ҳам ёш оилага таъсир этмайди, деб бегумон айтиш мумкин. Шунда келинларимиз висол оқшомида омонат кийимда ўз ёрига омонатлик қилмай. балки ҳақиқий оила қуриш учун аҳд-паймон қиладиган бўладилар, назаримда.

Ҳабиба ЗУФАР қизи
техника фанлари доктори, профессор.

Яшил майдонларда

ОЛИМПИАДА УЧРАШУВИ

Тошкентда келаси йил Атланта шаҳрида ўтказиладиган олимпиада ўйинларининг футбол бўйича саралаш учрашувларидан бири бўлиб ўтди. Ўзбекистон олимпиадачилари Қирғизистон терма жамоасини қабул қилиб (2:1) очколарини 9 тага етказишди. Энди футболчиларимиз қолган учрашувларни Тожикистон ва Қозоғистон майдонларида ўтказадилар.

«ПАХТАКОР» ХОТИРАСИ

Нарпай туманидаги «Москва» жамоа хўжалигида пахтакорчилар хотирасига бағишланган анъанавий мусобақанинг ҳал қилувчи ўйини ўтказилди. «Суғдиёна» футболчилари «Навбаҳор» жамоасини 2:1 ҳисобида мағлубиятга учратиб, бош совринни эгаллашди. Тошкентдаги «Чилонзор» ўйингоҳида эса хотиравий мусобақанинг ўсмирлар ўртасидаги баҳслари якунланди. Финалда Ўзбекистон олимпиада ўринбосарлари мактаби талабалари Алмати болалар ва ўсмирлар спорт мактаби жамоасини 7:0 ҳисобида енгишди.

"ХЎЖАЛИК МОЛЛАРИ"

РЕСПУБЛИКА АКЦИОНЕРЛИК БИРЛАШМАСИ



чет элда ишлаб чиқарилган:

386 — DX2 — 40(4)420,
486 — DX2 — 66(4)420 SVGA,
486 — DX2 — 66(8)540 SVGA,
ALG 486 — DX2 — 80(4)420,
EPSON — LX — 1050

ва бошқа русумдаги компьютер техникаларини,

ROYAL — 125 NX касса аппаратларини,



кир ювиш ва тозалаш воситаларини, атир совунларни, шунингдек, кенг турдаги ташкилий техникани

САВДОГА ТАҚДИМ ЭТАДИ.

Тўловларни исталган шаклда амалга ошириш мумкин.

Манзилимиз: 700091, Тошкент, "Янгиобод" дахаси, Тол-Арик кўчаси, 24-уй.

Автобуслар: 23, 61, 119, 26, 30. "Янгиобод" шоҳбекати.

Телефонлар: 97-09-91, 96-25-60, 98-37-96.

Факс: 97-34-85.

Қонун устиворлиги йўлида

«ТОЗАЛАШ» ДАВОМ ЭТМОҚДА

Республика Ички ишлар вазирлиги томонидан махсус «Тозалаш» тадбири дастури ишлаб чиқилди. Сирдарё вилояти ички ишлар бошқармасида ушбу тадбирга тайёргарлик ва уни рисоладагидек ўтказишга бағишланган йиғилишда Республика ИИВ Давлат автомобиль назорати бошқармаси бошлиғининг биринчи муовини, милиция подполковниги Тошпўлат Раҳимов бу тадбирни мақсад ва вазифалари ҳақида гапирар экан, уни ўтказиш бошқа вилоятларга нисбатан бу ерда бирмунча ўзига хос масъулият талаб қилиши, негаки, вилоятнинг қўшни Тожикистон ва Қозоғистон республикалари билан чегарадош эканлиги, қолаверса, Тожикистондаги нотинч вазият туфайли айрим нопок фуқароларнинг вилоят ҳудудига кириши ва ўз қора ниятларни амалга ошириш мақсадида жиноятга қўл уриши ҳеч гап эмаслиги ҳақида тўхталди.

Вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиғининг муовини, милиция полковниги Абдумалик Кўчқоралиев уч ҳафтадан ортиқ муддатга мўлжалланган ушбу тадбирнинг тезкор тузилган режаси билан ходимларни батафсил таништирди.

«Тозалаш» тадбирини ўтказишда вилоят ички ишлар бошқармаси шахсий таркибининг 600 га яқин ходими иштирок этмоқда. 50 га яқин транспорт воситаси хизматда. Ички ишлар ходимлари муқаддам судланган шахсларни, ҳисобда турган кишиларни, маиший бузуқ кимсалар ва гиёҳвандларни бир сидра қайта текширувдан ўтказишмоқда. Тадбирнинг бир кунлик натижалари шуни кўрсатдики, ички ишлар ходимлари томонидан 148 та маъмурияй протокол тўлдирилди. 13 киши ҳушёрхонага келтирилди. Воя-га етмаган ёшлар орасида ҳисобда турувчи ўсмирларнинг 64 нафари қайта назоратдан ўтказилди. Шу куни безорилик қилган II, майда-чуйда ўғирлаган 13 нафар ўғри, 15 дан зиёд киссавурлар ва 8 енгилоёқ «хоним» ҳам қилмишлари ҳақида ички ишлар ходимларига қисқача ахборотлар беришларига тўғри келди.

Дарвоқе, шу куни вилоят ДАН ходимлари ҳам 380 та маъмурий қайднома тўлдиришди. Маст ҳолда рулга ўтирган 39 кишини ҳаракатдан тўхтатдилар.

Қисқаси, тозалаш тадбири қизғин ва уюшқоқлик билан давом этмоқда.

Шуҳрат РЎЗИЕВ,
ИИВ матбуот маркази ходими.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Котибияти партия Марказий Кенгаши аъзоси, Жиззах 2-қурилиш материаллари комбинатининг устаси **Пўлат ЖЎРАЕВ**нинг фожиали ҳалок бўлганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади.

«Ўзбекистон овози» газетаси жамоаси газетанинг Бухоро вилояти бўйича ўз мухбири Даврон Баҳроновга отаси **Шариф ота**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Бош муҳаррир: Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати:
Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб), Аслиддин БОЛИЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ислом ШОҒУЛОМОВ, Ҳайрулла ЖЎРАЕВ, Шоҳосим ШОИСЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

БЎЛИМЛАР:
Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 33-20-36, 36-54-35.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 36-26-70, 36-57-19.
Иқтисодиёт — 33-21-43, 36-57-22.
Фан ва маданият — 33-07-20, 36-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 33-76-04, 36-54-06.
Ахборот ва спорт — 33-12-56, 36-55-16.
Халқаро ҳаёт — 33-47-80, 33-12-16.
Реклама ва эълонлар — 33-38-55, 36-54-12.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда -- 5-27-11; Бухорода -- 3-54-87; Гулистонда -- 2-26-22; Жиззахда -- 3-31-86; Навоийда -- 3-75-43; Наманганда --6-43-43; Нукусда -- 7-58-83; Самарқандда -- 35-22-90; Тошкентда-- 33-54-55; Урганчда -- 6-51-35; Фарғонада -- 26-37-16; Қаршида -- 3-25-79; Қумқўрғонда -- 5-26-24.

• Рўйхатдан ўтиш тартиби №00 120. • Газета офсет усулида А--2 форматида босилади. • Ҳажми 2 босма табоқ. • Г -- 0334.

Навбатчи муҳаррир Н. ШАКАРОВ, навбатчи А. РЎЗИЕВ.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти -- 21.00. Топширилди -- 21.00.